


# СУРХОНДАРЁ: СОҲИР ВА СОБИТ ҚАДАМЛАР





### САОДАТМАНД ЮМУШЛАР

Биров бор иш қилаётганда фақат ўзининг фойдасини кўзлайди. Биров бор қилаётган ишининг охир-оқибати нима бўлишини билмай қилади.

Бизнинг халқимиз ишни яхши кўради. Ва бир ишни бошлаганда икки нарсани ўйлайди: ишимнинг самарасидан ўзим баҳра олайин, ҳам одамларга наф етказиб, уларнинг дуосига сазовор бўлайин, дейди. Одамларимиз қалбидаги миллий қадрият даражасига кўтарилган меҳр-оқибатлилик, одамийлик ва мурувватпешалик томирларининг озиғи, эҳтимол, мана шундандир.

Мустақиллик мана шу эзгу чашмалар кўзини очиб юборди.

Музработ туманидаги 80 киши ишлаётган «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонасида ўтган тўққиз йил ичида минг хил янгилик жорий этилипти: тегирмон, гуруч оқлайдиган цех, вилоят марказида супермаркет, йигирма хил нон пиширадиган завод, 400 қорамол боқилаётган ёрдамчи хўжалик, Амирқуловнинг қишлоғи деб тилга тушган қўрғон...

— Шу ишларнинг ҳаммасини.., — деб бошлаган гапимизни корхона бошлиғи Қурбон Амирқулов оғзимиздан илиб кетади.

— Шу ишларнинг ҳаммасини — одамлар, жамоа амалга оширди, — дейди у. — Бизда ҳар бир одам ташаббус, янги гап билан ишлашга ўрганиб қолган. Ҳа, биз ўргатмаймиз. Биз бир-биримиздан ўрганамиз. Ўрганиш — улуғвор фазилат. Мустақиллик бизни яхши ишлашга ўргатди. Демак, яхши яшашга ўргатди...

Деновдаги «Орзу» хусусий фирмаси ҳам яхши ишлашга ўрганиб олган жамоалардан. Ўтган йили вилоятда маҳаллий бюджетнинг даромад қисми 12 миллиард 612 миллион сўмни (солиқлар ва йиғимлар ҳисобидан) ташкил этган бўлса, шунинг бир миллиард 600 миллион сўми атиги 200 киши ишлаётган шу корхона ҳиссасига тўғри келади.

Корхона раҳбари Ҳабибулло Нормуродов, ўнг қўлингнинг саховатини чап қўлинг билмай қолсин, дегувчилардан. Яқинда жамоа учта мактабни таъмирлашга 600 минг сўм пул ажратди. 77-мактабни ободонлаштириш ишларини бошлаб юборди. Юз миллион сўм маблағ ташлаб, ҳашаматли бозор қураяпти. Хориж технологиясини ўрнатиб, мева шарбати ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Бирон йил ичида фирма 400 ишчи ўрнини яратади. Даромадларини икки баравар оширади. Хориж сармояларини жалб этиб, қўшма корхона қуради.

Корхонанинг ёши Мустақиллигимизнинг ёши билан баробар. Корхона Деновнинг четроқ бир қишлоғида, шунчаки ташлаб қўйилган икки гектарлик ерда қад ростлай бошлаган эди. Унинг қадди ростига бугун ҳамманинг нигоҳи тушмоқда.

Денов туманидан Аббос Қулматов деган тадбиркор раҳбар вилоят қишлоқ хўжалигини уруғлик дон билан таъминлайдиган завод қурди. Вилоят пахта уруғчилиги корпорацияси таъсисчи бўлиб, Қумқўрғонда «Олтин чигит» қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонада 2,6 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Вилоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти Жарқўрғонда ун заводини бунёд қилди. Шерободлик ишбилармон Б. Маматқулов йирик цемент заводини қуриш тараддудида.

Шундай. Мустақиллик кўзларга нур, билакларга куч-қувват, юракларга орзу-умидлар уммонини бахш этди ва этмоқда. Давлат тасарруфидан чиққан аксарият корхона ва жамоалар ўзларининг иқтисодий салоҳиятларини тиклаб, ривожлантириб бормоқдалар. Вилоятдаги 2800 дан зиёд деҳқон-фермер хўжаликлари Қурбон Амирқулов айтганидек, ишлашга ўрганмоқда. Қилаётган ишлари ўзига ва ўз юртига наф келтириб бошламоқда. Деновлик Аҳмад фермер Нарзуллаев ўз сармояси ҳисобидан Орол қишлоғида каттакон мактаб қурди. Олтинсойлик ширкатчилар туман қишлоқларини газлаштиришга қўл солмоқдалар. Шўрчилик Мадад фермер маҳалласи учун артезиан қудуқ қаздирди. Томорқаларни суғоришга ариқ қазиб, насос ўрнатди.

Бундан ўн йиллар аввал, кимки гектаридан саксон центнердан пахта оламан деса, ўртага чиқсин, деган гаплардан иборат мажлислар ўтказилар эди.

Бугунги кунда одамларнинг ўзлари, элу юртим ташвишлари, эзгу ишларини ўзим зиммамга оламан, деб майдонга чиқмоқда.

Бу юрт саодатидан нишона эмасми?



### ИСТИҚЛОЛНОМА

*● Шу йилнинг ўтган 6 ойида 17226 ишчи ўринлари очилди.*

*● Халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида ўсишга эришилмоқда. Ўтган ярим йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,7 фоизга, халқ истеъмол моллари 7,0 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,3 фоизга ўсди.*

*● Савдода пул-товар айланмаси 2,8 фоизга кўпайди. Қишлоқлараро 5366 квадрат-метр савдо иморатлари қурилди. 6 ойда 51 та маиший хизмат нуқтаси очилди.*

*● Вилоятда 300 дан ортиқ қазилма бойлик заҳиралари бор. Мамлакатимиздаги керамзит заҳираларининг 19 фоизи, силикатнинг 37 фоизи Сурхондарёда жойлашган. Фосфорит, бетонит заҳираларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш йўлга қўйилди. Хўжаикон туз кони мамлакатимиз аҳолисини ош тузи ва техник туз билан таъминламоқда. Бу ерда ош тузини йодлаш ва тузни қадоқлаш технологияси ўзлаштирилди.*

*● Жарқўрғондаги «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамияти тўқимачилари эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига ўз даромадлари ҳисобидан 5 миллион сўм маблағ ажратди.*

*● 1990 йилда вилоят хонадонларининг 13 фоизи газлаштирилган эди. 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 53 фоизга етказилди. Олтинсой туманида кейинги икки ярим йил ичида кишлоқларнинг учдан икки фоизига газ қувурлари тортилди. Бугунги кунда Бойсун ва Сариосиё туманларининг узоқ тоғ қишлоқларида газ ёнмоқда.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

# УМИД ЮЛДУЗЛАРИ, БАЛҚИНГ ВА ПОРЛАНГ!

«Умид» жамғармаси синовлари даврнинг юксак мезонларига асосланган ҳолда ўтказилади. Бу танлов осон эмаслиги ёшларнинг ўзлари ҳам йилдан-йилга чуқурроқ ҳис этмоқдалар. 1997-1999 йилларда бўлиб ўтган «Умид» танловларида 5500 нафар ёшлар қатнашди. Лекин улардан 658 нафари, Президент грантларига сазовор бўлиб, чет элларда ўқишга йўлланма олдилар. Уларнинг 121 нафари ўқувни якунлаб, ҳозирги кунда энг масъулиятли иш ўринларида — вазирликларда, давлат қўмиталарида, компанияларда, банкларда, йирик корхоналарда, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларида, олий ўқув юртларида, шунингдек вилоятлардаги молиявий-иқтисодий жабҳаларда, меҳнат фаолиятларини бошладилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларимиз чет эл таълимидан олган билим ва тажрибаларини самарали қўлламоқдалар.

2000-2001 ўқув йилидаги «Умид» танловларига эса 3000 нафар ёшлар қатнашди. Улардан энг иқтидорли 124 нафари чет давлатларидаги нуфузли олий таълим марказларида ўқиш учун саралаб олинди.

Йиғилиш очиқ деб эълон қилингач, зал бўйлаб мустақил Ватанимиз мадҳияси янгради. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг грант совриндорларига табригини ўқиб эшиттирди. Юртбошимизнинг ёш авлодга оталарча ғамхўрлик ва уларга юксак ишонч билан суғорилган сўзлари, давлатимиз бошлиғининг грант совриндорларини халқимиз кўксидаги умид юлдузлари дея таърифлашлари залда алоҳида руҳ ва кўтаринки бир муҳитни пайдо қилди.

Худди шундай кўтаринки руҳ кейин минбарга бирин-кетин кўтарилган Президент гранти совриндорлари ва ота-оналарнинг сўзларидаги чексиз ҳаяжон ва ёлқинли қалб сўзларида ҳам равшан намоён бўлди.

— Бугунги кун мен ва ота-онам учун бир умрга унутилмас, файзли ва нурли кундир, — деди сурхондарёлик грант совриндори Нормурод Норқулов ва давом этди: — Бизга бу бахтни Ўзбекистон мустақиллиги, биз ёшларга отадан ҳам азиз Президентимиз Ислом Каримов ҳадя этдилар. Биз биламиз, хорижда ўқиш биз учун фақат бахт эмас, балки катта синов ҳамдир. Биздан Ватаннинг, Президентнинг умиди катта. Тенгқурларим номидан ишонтириб айтаманки, биз бу улкан ғамхўрликни амалда оқлаш учун бор имконият ва иқтидоримизни ишга соламиз, Ўзбекистон кўз тутаётган муносиб кадрлар бўлиб етишишни ўзимизга эзгу мақсад қиламиз.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов сўз олди:

— Сиз, азиз ёшлар, хориж таълимига йўл олар экансиз, Президентимиз табригида айтилганидай, Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби буюк сиймоларни етиштирган Ватаннинг фарзандлари эканлигингизни унутманг. Модомики шундай улуғ алломалар бизда етишган экан, бундан кейин ҳам етишиб чиқади. Хорижий давлатлардаги таълим шунга қаратилган. Масалан, Буюк Британиянинг Кембриж университетида ўқиган талабалар орасидан 30 нафар халқаро Нобель мукофоти совриндорлари етишиб чиққан. Бугун бу машҳур университет ўз бағрига 7 нафар ўзбек талабасини қабул қилади. Сизларга оқ йўл тилаш билан бирга, Ватан, Президент олдидаги ўз бурчларингизни бир лаҳза бўлса-да унутманглар, деб тилак билдирмоқчиман.

Залдагилар ота-оналар номидан минбарга чиққан Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида яшовчи Сайёра Мусаеванинг сўзларини ҳам ҳаяжон билан тингладилар.

— Мен бахтли онаман, — деди у. — Залда ўтирган бошқа ота-оналар ҳам худди мендай чексиз бахтиёр кишилардир. Болаларимиз! Бағримиздан чиқиб, олисларга олган йўлингиз ёруғ бўлсин!

Мен эса бундай бахт қушини бошимга қўндирган мустақиллигимизни бир умр ардоқлайман. Бундай бахтга мени муяссар этган Президентимиз қаршисида бошим ерга теккунча таъзим қиламан...

Йиғилишда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Райнхард Биндзайл ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Клод Ришар хорижда таълим оладиган Ўзбекистон ёшларини чин дилдан қутлаб, уларга ютуқлар тиладилар.

Ниҳоят йиғилишнинг энг ҳаяжонли лаҳзалари бошланди. Саҳнага грант совриндорлари бирин-кетин таклиф қилинди. Ва уларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова Ўзбекистон Республикаси Президенти грантларини ва Президент шахсий совғаларини тантанали тарзда топширди ҳамда уларни қутлади.

Шундан кейин минбарга грант совриндорларидан Муҳаммад Қўзибоев, 2000-2001 ўқув йилида чет давлатларга ўқишга бораётган тенгқурларининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига йўллаган миннатдорлик мактубини ўқиб эшиттирди. Ҳар бир сўзида Ватан, Президентга ёшларнинг чуқур фарзандлик ҳис-туйғулари ҳамда ёшларнинг Ватан олдидаги улкан масъулияти ёрқин ифодаланган бу мактубни мажлис аҳли олқишлар билан кутиб олди.

2000-2001 ўқув йилидаги «Умид» жамғармаси совриндорларига Президентимиз грантларининг топширилиши ва хорижий давлатларга жўнаши олдидан уларга оқ йўл тилаш мақсадида ўтказилган бу тадбир мамлакатимиз Мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида юз бераётганлиги чуқур рамзий маънолидир. Чунки «Умид» жамғармасининг вужудга келиши, ёшларимизнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб хорижий давлатларнинг энг нуфузли олий таълим марказларига бориб ўқиётганлиги, бу — истиқлол неъматидир. Халқаро андозалар даражасидаги билим ва тажрибалар билан қуролланиб қайтадиган ёшларимиз қанча кўпайса, тараққиётимизнинг асослари ҳам шу қадар мустаҳкамланиб боради. Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Фақат ушбу тадбирда сўзлаганлар тез-тез такрорлаб айтганларидек, хорижга бораётган ёшларимиз ўзларини Ватан умидига айланган авлод эканини чуқур ҳис этсалар бўлгани. Бу йўлда ёшларимизга улкан ютуқлар тилаймиз ва уларга умид юлдузлари, балқинг ва порланг, дегимиз келади.

**М.САФАРОВ.**

# БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА

**Марказий банкда республика банк тизимининг 2000 йилнинг биринчи ярмидаги иш фаолияти якунлари, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида соҳа олдига қўйилган устувор вазифалар ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган кенгайтирилган бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисни Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.**

Қайд этилдики, 2000 йилнинг ўтган ярим йили давомида республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсати инфляция даражасини янада камайтиришга, макроиқтисодий ўсиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга ҳамда банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилди.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инфляция суръати, пул бозоридаги талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда йилига 36 фоиздан 24 фоизга камайтирилди. Банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаб бориш натижасида улар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредит қўйилмалари йил бошига нисбатан 61 фоиз ортиб, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига кўра 734 миллион сўмга етди. Банкларнинг умумий активлари миқдори 50 фоиз ортди. Жами активларнинг 66 фоизи узоқ ва ўрта муддатли кредитлардан таркиб топган. Ҳисобот даврида тижорат банкларининг умумий сармояси 52 фоиз ошди ва ҳозирги кунда 218 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Тижорат банклари акциядорлари сони сезиларли даражада кўпайди. Акциядорлар таркибида жисмоний шахслар сони 3762 тага ўсиб, бугунги кунда 57 минг 605 нафарга етди.

Ўтган даврда кичик ва ўрта бизнес, деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилди, кредит ажратиш механизми анча соддалаштирилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида уларга 42 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Бу 1999 йилга нисбатан бир неча баробар кўпдир. Айни пайтда ушбу соҳани ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари, жумладан Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилган катта миқдордаги хорижий валютадаги кредитлар ўзлаштирилди.

Шу билан бирга мажлисда айрим тижорат банклари томонидан аҳоли омонатларини банкларга жалб қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмагани, бу борада ҳали ҳам сусткашликка йўл қўйилаётгани кескин танқид қилинди. Уларнинг ҳар бири Марказий банк билан ҳамкорликда қисқа муддатларда аҳолининг бўш маблағларини депозитга жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган мукаммал стратегия ва кенг кўламдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярмида банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес, деҳқон-фермер хўжаликларини рағбатлантириш борасида талай ишлар қилинганига қарамасдан ҳали ҳам айрим тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда камчиликларга йўл қўйилаётгани кескин танқид қилинди. Мазкур ҳолатга халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам Юртбошимиз томонидан яна бир бор эътибор қаратилгани, эндиликда барча банкларнинг асосий вазифаси — тадбиркорларга манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш, давлатимиз раҳбари маърузаларида қўйилган талаб ва вазифаларни дастуриламал сифатида қабул қилиш ва уларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиш эканлиги белгиланди.

Шунингдек, мажлисда Адлия вазирлиги ва Олий хўжалик суди раҳбарлари маълумотлари асосида тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мижоз билан банклар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг бажарилиш аҳволи ҳам муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

# ОЛТИАРИҚДА НЕГА БАРАКА КЎП?

Қартанинг четроғида куймаланиб юрган болакайга кўзим тушди. У битталаб терган машоқларини этакка солиб орқалагач, «текин зиёфат»га йиғилган чумчуқлар галасини йўл-йўлакай тўзитиб-тўзитиб одимлаганича мен сари яқинлашаверди. Бошини офтобдан ҳимоялаб, чит қийиқчани пешонасига танғиб олган болакайни тўхтатиб, гапга солдим. Бу йил учинчи синфга ўтибди. Тўртта товуғи бор экан. Бири тухумламай қолганда, бошқаси тухумга кириб, бу азаматни йил бўйи қовурдоқ билан сийлаб келишаркан. «Дадам билан аям мол-қўйга қарашдан ортишмайди, товуқларимни боқволишга ўзимниям кучим етади», дея менга катталаниб боқди у. Кўзимга дангал ва синовчан тикилаётган бу митти тадбиркорнинг ёнида ўзимни туйқус ноқулай сездим. Олдимда Олтиариқнинг эртанги хўжайини турганга ўхшаб кетди.

Бу йил Олтиариқда буғдой ҳар қачонгидан мўл бўлди. Салкам 27 минг тонна дон етиштирилиб (ҳосилдорлик 40 центнерданга етди), шартномавий режа Фарғона вилоятида биринчи ўринда бажарилди. Кенжабоев номли жамоа хўжалиги, «Оқбўйра», «Нуробод», Ал-Фарғоний номли, «Янгиобод» ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 45-55 центнерданни, Рустам Шарафиддинов, Турсунали Ботиров, Мавлуда Дадақўзиева, Содиқ Жўраев, Шавкат Юнусов сингари қўли қутлилар етакчилигидаги оилавий пудратчилар даласида 60-70 центнерданни ташкил этди.

Бир замонларда давлатга фалон тонна дон топширилди, деган овоза лоп этиб тарқалардию, ҳаммаёқ яна сув сепгандек жим бўлардиқоларди. Энди эса ҳар қадамда буғдойнинг ўзига ҳам дуч келавердик. У ёқда — қишлоқдошим Абдурасул бир прицеп донни «кўзҳақи» деб қари-қартангларга тарқатиб юрган, бу ёқда — қўшним Урайим ака уйига ярим тонна буғдойни тўкиб чиқиб, қайси тегирмоннинг бўшлигини суриштириб турган. Мактабдош дўстим Иброҳимжон раҳбар бўлган «Нуробод» ширкат хўжалиги ўрамидаги маҳаллаларнинг барча гузарлари дони янчиладиган ғарамларга тўлиб-тошиб ётибди. Йўл ёқалари эса вақтинчалик сомон бозорларига айланиб улгурган...

Умуман, апрелнинг охирроғидан тортиб, то кеч кузгача Олтиариқнинг кўпгина кўчалари сабзавотлар, мевалар, қовун-тарвузлар бозорига айланади. Бу борада, айниқса, бодрингга тенг келадигани йўқ. Бразилиянинг тақдирини кофе, Олтиариқнинг тақдирини бодринг ҳал қилади, деган чапани мутойиба бежиз тўқилмаган. Бу йил сони салкам 32 мингтага етган деҳқон хўжалиги ихтиёридаги 4,5 минг гектар ерда 35 минг тоннадан зиёд бодринг етиштирилиб, икки миллиард сўмдан кўпроқ даромад олинди. Бу ҳар бир хонадонга 114 минг сўмданга тўғри келади. Ҳозирда деярли бодринг билан бирга ўсиб етилган маккажўхорилар ўриб олиниб, ўрнига бирови картошка, бирови сабзи-пиёз ёки туруп экишни бошлаб юборишган.

— Илгарилари фермерлик билан деҳқон хўжалиги деган гапнинг фарқига бормас эканмиз, — дейди полосонлик Ҳомит Мамажонов. — Юртбошимиз бу янгиликнинг аҳамияти ва мақсадини сессия минбаридан туриб деҳқончасига тушунтириб берганларидан кейин, ярқ этиб кўзимиз очилди. Бир маҳаллар нимага колхўзни ташлаб томорқангга ёпишволдинг, деб ғадаблаб юришарди. Мана энди томорқадаги ишимиз меҳнат стажига ўтиб, бир томондан кўнглимиз тўқ, бошқа томондан қўлимиз ҳам ёғлиқ... Бўларакан-ку!

Ердан йилига камида уч марта ҳосил ундириб, чўнтакниям уч баравар қаппайтиришнинг ҳавосини олган, бунинг устига хонадонидан мол-қўй, лоақал паррандани аритмайдиган бу қадоққўллар шукроначи мўминларга хос камтаринлиги, гўдакларча самимияти билан алоҳида ажралиб турадилар. Омилкорлигига таҳсин ўқий бошласангиз, улар бу ютуқларга фақат ўзлари сабабчи эмаслигини айтишиб, бири меҳнаткашнинг манфаатини ҳимоялайдиган қонунларни чиқариб қўйган, замонавий техника ва жиҳозларни узлуксиз етказиб бераётган давлатимизни, бошқаси ўғит, ёнилғи каби зарур нарсаларни керагича олишларига имкон яратиб келаётган вилоят раҳбариятини миннатдорлик билан тилга олишга тушадилар.

Ўта меҳнатсеварлик, билмаганини билишга чанқоқлик, бошқалардан тезкорроқ ва устамонроқ бўлишга интилиш, изланишдан, синаб кўришдан эринмаслик, мушкул муаммоларни ўзбекона ҳашар билан ҳал қилишга уриниш каби ажойиб хислатлари билан донг таратган олтиариқликлар ўз туманларининг номини ҳам тобора машҳур қилмоқдалар. Уларнинг пешона терлари билан топган маблағлари ўз хонадонларини обод қилибгина қолмай, туманнинг янада иқтисодий куч йиғишига, халқ хўжалигининг барча соҳалари бирдек гуркираб ривожланишига омил бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигидан ташқари, саноатда ҳам, қурилишда ҳам, савдо ва маиший хизматда ҳам Олтиариқ вилоятдаги энг пешқадам туманлар қаторида туради. Пул эмиссияси борасидаги намунали кўрсаткич ҳам шу туманда. Соғлиқни сақлаш, маориф, маданият соҳаларида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Тез тиббий ёрдам маркази, қон қуйиш бўлимлари вилоятда биринчи бўлиб шу туманда ташкил этилди ва бошқа жойлардаги қурилишларда андозани шу жойдан олишмоқда.

Қарийб бир миллиард сўм сарфланиб қурилган, замонавий жиҳозларга эга бўлган касб-ҳунар коллежи жамоаси энг азиз ва муқаддас байрамимиз бўлган Мустақиллик кунини янги қабул қилинган талабалар билан бирга нишонлашга астойдил ҳозирлик кўрмоқда. Баъзи туманларда эски кутубхоналарни таъмирлашга эътибор берилмаётгани танқид қилинаётган бир пайтда Олтиариқдаги ҳар бир қишлоқ марказида янги кутубхоналар қурилмоқда. Ҳозиргача бештаси тўлиқ биткизилиб, ишга туширилди. Туман марказидаги истироҳат боғи замон талабига мос равишда қайта ўзгартирилиб, чиройига чирой қўшилмоқда. Спортни ривожлантиришда ҳар қайси жамоага алоҳида ҳомийлар бириктириб қўйилгани қўл келмоқда, тўгараклар сони кўпайиб, ўйингоҳлар кўркамлашиб бормоқда.

Олтиариқ Жўрахон Султонов, Алижон Ҳасанов, Алижон Эркаев, Охунжон Мадалиев каби хушовоз хонандалари билан азал-азалдан донг таратиб келган. Бу мактабнинг чироғи ҳануз сўнгани йўқ, аксинча, ёрқинроқ порламоқда. Таниқли ҳофиз, тиниб-тинчимас ташкилотчи Солижон Маматов раҳбарлигидаги маданият уйи жамоаси нафақат вилоят, балки республика миқёсидаги катта-катта тантаналарга файз бағишлаб келаётган Қобилжон Юсупов, Маъмуржон Тўхтасинов, Қиличбек Тожиев сингари элга ардоқли хонандалари, «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови совриндорлари сафидан жой олган хор ва рақкосалар дастаси билан ҳақли равишда фахрланадилар. Қўқонлик уста Ҳайдаровлар сулоласининг энг етук издошлари ҳисобланган наққош Эркабоевлар оиласи, Олмонияга бориб, совутгичли «Мерседес» юк машинасининг айрим жойларини иқлим шароитимизга мос тарзда қурдириб келган доврукдор Солижон-бизнес кабилар ҳам Олтиариқда яшайдилар.

Аҳолисининг сони 160 мингга яқинлашиб қолган, шундан 65 мингдан кўпроғи меҳнатга лаёқатли бўлган бу туманда ишсизлик муаммоларига алоҳида диққат билан қараб келинмоқда. Йил бошидан бери 1182 нафар ишсиз рўйхатга олиниб, шундан 1099 нафари ишга жойлаштирилди, 123 нафар киши жамоат ишларига жалб қилинди, 82 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди, қолганлари турли ихтисосликлар бўйича қайтадан ўқитилмоқда. Айниқса, мустақил ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшларни илк қадамданоқ турмуш муаммоларидан безитиб қўймаслик ўта муҳимлигини бу жойдагилар жуда яхши тушунишади.

Туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Нўъмонжон Омоновни даладан топдик. Энди унинг фикру зикри бўлғуси даромадлар манбаи ҳисобланмиш пахта билан банд. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги далаларидаги пайкалларни кўздан кечирдик. Бригадир Худойберди ака десантчилардек бир хилда бўлиқ ва бўйдор бўлиб саф тортиб турган ғўзаларини кўз-кўзлаб, кўсакларни санашга тушди. Хомаки ҳисоб ҳозирдаёқ 35 центнердан юқори ҳосил борлигини кўрсатди. Борини ҳашоратдан сақлаб, кичикроқ кўсакларни ҳам етилтириб олсак, 40 центнер дегани ҳеч гапмас, дея кўзларини қувончли чақнатди у.

Бошқа ширкат хўжаликларида ҳам бўлдик. «Навоий»чиларга қарашли пайкаллардан бирини кезиб юрганимизда ҳоким менга юзланиб: «Туманимиз музейига кираверишдаги суратни кўргандирсиз-а?» – деб сўраб қолди.

Ҳа, туманнинг ўз музейи бор. Абдураҳим архитекторнинг илҳоми билан жуда муҳташам қилиб қурилган. Кираверишда худди деворга нақшлаб чизилгандек каттакон сурат кўрк ташлаб туради. Унда Юртбошимиз далачилар билан бирга ғўза пайкалини оралаб кезаётгани тасвирланган.

— Ўша сурат мана шу пайкалда олинган, — дея сўзини давом эттирди ҳоким. — Бу сурат алоҳида қадрланишининг ўзига хос маъноси бор. Президентимиз Олтиариқ далаларига қадам қўйганларидан бери туманимизда дон дейсизми, пахта дейсизми, доимо режадагидан ошириб бажариб келиняпти. Бажарилгандаям, вилоятда ё биринчи, ё иккинчи ўринда бажарилади. Одамларимиз шуни ҳануз эслаб, «қутлуғ қадамда гап кўп», деб ўзаро гапириб юришади.

Яхши гап ҳам, яхши ирим ҳам кишиларнинг руҳини кўтариши сир эмас. Тинчлик-тотувлик йўлида, эл-юрт фаровонлиги ғамида тинимсиз меҳнат қилиб келаётган Йўлбошчисига самимий эҳтиром, ёрқин келажакка, ҳақиқий тўкин-сочинликка ишонч рамзи бўлса ажабмас. Кимларнидир ва нималарнидир ардоқлаб, бирон-бир нарсага астойдил ишониб, ўшанга умид билан интилиб яшашда ҳикмат кўп. Осойишта ҳаётини шукроналар билан қадрлаб, юртини ёмон кўзлардан асрай оладиган оталари, рўзғоридан покиза ниятлар ва тетик руҳни аритмайдиган оналари, лоақал ўз товуғига эга бўлишни орзу қиладиган ҳамда уни ўз кучи билан боқишни уддалай оладиган болалари бор эл, иншоолло, асло завол кўрмагай. Эзгу ният, покдомон тилак, ҳалол меҳнат устувор бўлган жойга ҳамиша барака ёғилаверади.

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**




### КЎЗЛАРИМГА ТЎТИЁ ЗАМИН

# СУРХОНДАРЁ: СОҲИР ВА СОБИТ ҚАДАМЛАР

Шўролар даврида «Соғлом танда — соғ ақл» деган ибора бўлгучи эди. Тана соғлом бўлмоғи учун кўпроқ овқатланиш, масалан, кўпроқ гўшт ейиш лозим, деган тарғиботлар айтиларди. Айтайлик, гўшт етиштиришда Американи қувиб етиш, асли, америкача ақл ва ақллиликка эришиш сифатида баҳоланарди.

Мустақиллик шўролар мафкурасининг ёлғонларини фош қилмоқда. Ўша пайтларда бутун дунё одамларининг кўзига оёғи осмонда қилиб кўрсатилгани аён бўлмоқда. Вужуд ақл-тафаккурнинг эмас, тафаккур вужуднинг паноҳи ва кўзгуси бўла олишидек ҳақиқатга одамларни ишонтирмоқда.

Сурхондарёда ҳозир ҳар 10 минг аҳолига 24 врач, 90 ўрта тиббиёт ходими хизмат қилади. Соҳага йилига 4 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятда 4 та қишлоқ врачлик маскани ишга туширилди ва шу билан бу хил масканлар саксонтага етказилди. Ҳадемай, Термиздаги Тез тиббий ёрдам маркази иш бошлайди. Мутахассислар малакаси ошириляпти. Соҳанинг моддий-техникавий имкониятлари ортмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, Соғлом авлод дастурларини амалга оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Лекин...

— Одамларнинг саломатлигини рақамларни санаш билан ва ҳатто, малака-ю дори-дармонлар билан ҳам ҳимоя қилиб ёки сақлаб бўлмайди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н. Абдуллаев. — Одамнинг чеҳраси қошқабоғу, юзу кўздангина иборат эмас. Одамнинг чеҳрасиёғи асли унинг тани ва тафаккуридан иборат. Тана — тафаккурнинг ойнаси. Унинг саломатлигини ҳам иморатлар ё бошқармалар эмас, аввало, ўзининг тафаккури ҳимоя қилади. Ибн Сино ҳазратлари, соғ тафаккур ичра соғлом тана, деганда шуни назарга олганлар чоғи.

Соғлиқни сақлаш тизими эндиликда ўз ишларини шу ҳикматга суяниб ташкил этмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, Саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш республика илмий-текшириш институтининг Термиз шўъбаси раҳбари Зокир Зуннуновнинг фикрича, инсон учун ўз киндик қони тўкилган тупроғу ўзи улғайган борлиқдан зиёда малҳам топилмас. Шўъба шифокорлари ҳозир элликдан ортиқ хасталикларни қуёш иссиқлигига тўйинган тупроқ-қум билан, олтингугуртли сув булоқлари билан даволамоқдалар. Бу ерда қўлланилаётган муолажалар (ўзбекона, миллий муолажалар дейиш мумкин) хориждаги нуфузли ассоциацияларнинг ҳам эътибор-эътирофини қозонаётгани, Зуннуновнинг эса унвону олтин медаллар билан тақдирлангани миллий тафаккуримизнинг сарҳад ошаётганидан нишонадир.



Жигар, ошқозон ва ичак хасталикларига беқиёс даражада шифо бергувчи Омонхона булоғи қошида санаторий ташкил этилди. Омонхона сувини қадоқлаш йўлга қўйилди. Яна бир шифобахш булоқ — Хўжаипок масканига Олтинсой туман ҳокимлиги ҳашар билан йўл тортди. Дам олувчи ва даволанувчилар учун шарт-шароитлар яратди. Хўжаикон туз кони қошидаги эллик ўринли дам олиш гўшаси қишин-ёзин гавжум. Бу ерга нафас олиш аъзолари шамоллаганлар шифо излаб келадилар.

— Тафаккур сеҳрли ва серқирра ҳилқат, — дейди Нодир Абдуллаев. — У таомга қанча туз ташлашни билишдан тортиб, бир тишлам гўштни ортиқча истеъмол қилиш чорак асрдан сўнг одамнинг саломатлигига қандай таъсир этишини билиш каби салоҳиятларни ўз ичига олар. Умуман маърифат, тафаккур кишининг ўз соғлиғини қай даражада посбонлик қила олишидан бошланади, деб ўйлайман. Бу гапларни одамларга тушунтириш қийин бўлаётгани йўқ. Улар ўзлари тушунмоқдалар. Ўзларига ғамхўрлик қилишга, авлодга ғамхўрлик қилишга, эртанги кунни идрок этишга ўрганмоқдалар.

Бу қадриятларимизнинг бир қирраси. Бу, ҳатто, ғаллани вақтида ўриб-йиғиб олишдан ҳам кўра каттароқ ютуқ...

## ИСТИҚЛОЛНОМА

*• Вилоятда 7 та касб-ҳунар коллежи, 2 та академик лицей, умумтаълим мактаблари қошида эса 19 лицей, 4 та гимназия ишлаб турипти. 2000-2001 ўқув йилига қуриш ҳамда қайта таъмирлаш ҳисобидан яна 10 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилади.*

*• Янги типдаги таълим муассасалари 15 та комплект компьютер синфлари, 9 та лингафон хонаси ва 5 комплект мултимедия техника воситалари билан таъминланган.*

*• Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 4 та касб-ҳунар коллежи Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда.*

*• Вилоятдаги 806 мактабда 455 минг ўқувчи таълим олмоқда. 400 га яқин болалар боғчаси ишлаб турипти.*

## «ТЕАТР»НИНГ ЯНГИ СОНИ

«Театр» журналининг учинчи сони «Шаҳидлар хотираси мангу яшайди» номли мақола билан очилади. Журнал саҳифаларида уруш йилларида жасорат кўрсатган санъаткорлар ҳақида академик Мамажон Раҳмоновнинг «Ўзбек театри уруш йилларида» номли мақоласи, буюк санъаткор Аброр Ҳидоятов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган саҳифа журналхонларни бефарқ қолдирмаса керак.

Миллий мафкура масаласига катта эътибор берилаётган бир пайтда профессор Ҳамид Воҳидовнинг «Миллий мафкура ва санъат» мақоласи муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Шунингдек, Ғулом Зафарийнинг 110 йиллигига бағишлаб ёзилган «Маърифат қурбони» номли мақолада мухбирларимизнинг театршунос олим Мамажон Раҳмонов билан бўлган мулоқотини ўқишингиз мумкин. «Муносабат» рукни остида режиссёр, драматург ва санъаткорларнинг «Истиқлол даврининг қаҳрамони» мавзуидаги фикр-мулоҳазалари журнал саҳифаларида мунтазам бериб борилмоқда. Бундан ташқари «Мунозара», «Мулоҳаза», «Мулоқот», «Ёднома» рукнлари остида ҳам бир-биридан қизиқарли, ўқимишли мақолалар эълон қилинган. «Кулгу сандиғи» рукнида берилган дам олиш саҳифасида эса кулги устаси Ботир Муҳаммадхўжаевнинг ичакузди латифалари эълон қилинган бўлиб, улар кулги шайдолари кўнглидан жой олади, деб умид қиламиз. Шу билан бирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Носировнинг ён дафтаридаги битикларидан ҳам огоҳ бўласиз. Зеро, ҳар бир эълон қилинаётган мақола ўқувчиларимиз қалбидан жой олишини, уларга руҳий ва маънавий қувват бағишлашини чин дилдан истаймиз.

**Матлуба ТЕМУР қизи.**




**Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:**

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

**Якка буюртмалар қабул қиламиз.**

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

*Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2.*
*Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90.*
*Факс: (371) 98-47-00.*

*Бизнинг дилерларимиз:*
*Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.*
*Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.*

®/1907

Реклама ва эълонлар
136-09-25

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 1 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 164,57 | 10 Люксембург франки | 64,29 |
| 1 Австрия шиллинги | 18,85 | 1 Малайзия ринггити | 73,41 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 420,99 | 1 Германия маркаси | 132,60 |
| 10 Бельгия франки | 64,29 | 1 Польша злотийси | 64,60 |
| 1 Голландия гульдени | 117,69 | 1 СДР | 368,59 |
| 10 Греция драхмаси | 7,70 | 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 1 Дания кронаси | 34,80 | 1 Финляндия маркаси | 43,62 |
| 1 БАА дирхами | 75,95 | 1 Франция франки | 39,54 |
| 1 АҚШ доллари | 278,93 | 1 Швейцария франки | 167,35 |
| 1 Миср фунти | 80,27 | 1 ЕВРО | 259,35 |
| 10 Испания песети | 15,59 | 10 Жанубий Корея вони | 2,50 |
| 100 Италия лираси | 13,39 | 10 Япония иенаси | 25,60 |
| 1 Канада доллари | 189,40 | 1 Россия рубли | 10,03 |
| 1 Хитой юани | 33,69 | 1 Украина гривнаси | 51,29 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## «ҚИЗЛАР ТУРМУШГА ТАЙЁРМИ?»

Когон шаҳар маданият уйи тўртинчи маҳалла аҳли билан ҳамкорликда ушбу мавзуда баҳс кечаси ўтказди. Кечага намунали оилалар вакиллари, қайнона-келинлар, маҳалланинг фахрийлари таклиф этилди. «Бахтли бўлиш учун кураш», «Қайнона — келин ўртасидаги келишмовчиликлар сабаблари», «Ёш оналарга соғлом муҳит яратишда қайнонанинг роли» мавзуларида бўлиб ўтган мунозаралар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

**Мухтасархон КАРИМОВА, Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.**

Табиат бойлиги




Иштаҳани очади ва ўсишга ёрдам беради.
Умумий ҳолатни яхшилайди.
Жигарни спиртли ичимликлар таъсиридан сақлайди.
Юқумли гепатит ва циррозни даволашда қўлланилади.
Харидорлар учун баҳоси — 487 сўм.
Халқимиз соғлиғи.
3004

ТРИМОЛ

БОШ ОҒРИҒИ, МИГРЕНЬ, НЕВРАЛГИЯ, ТИШ ОҒРИҒИ, ШАМОЛЛАШ (ЮҚОРИ ҲАРОРАТ БИЛАН)




ҳар куни

ДОРИХОНАЛАРДАН СЎРАНГ

Харидорлар учун баҳоси — 225 сўм.
2865

Табиат бойлиги

Таркибида женьшень ва табиий мультивитаминлар комплекси бор.

2 капсула Сизни кун мобайнида тетик қилади.




Харидорлар учун баҳоси — 861 сўм.
Халқимиз соғлиғи.
3003

МАВСУМ - ЁЗ 2000

Paris Optical

Оптик, қуёшдан ҳимоя қилувчи КЎЗОЙНАКЛАР.

Дунёнинг энг пешқадам корхоналарида тайёрланган, бегубор, тиниқ, шаффоф, ойнали ва пластик линзалар билан қопланган.

RAY-BAN, VERSACE, FERRE, GUCCI, VALENTINO, Yves Saint Laurent, ROCHAS, CARTIER, S.T. DUPONT, CHRISTIAN DIOR, FENDI, CARRERA, GIORGIO ARMANI.



Тел.: (371) 137-72-89/90

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз, кўчаси, 1 (Мўлжал: «Главпочтамт»).

©РАПресса
3125

Ушбу купонни тақдим этсангиз, қуёшдан ҳимояловчи кўзойнакни 10 фоиз чегирма билан харид қиласиз.

### Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча лойиҳа-тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилотлар

# ДИҚҚАТИГА!

Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Андижон вилоят бошқармаси капитал қурилишда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, лойиҳалаш ишларини тайёрлаш муддатини қисқартириш, сифатини яхшилаш ва қийматини пасайтириш мақсадида 2001 йилда Андижон вилоятида давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан қайта таъмирланиши режалаштирилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари иншоотларига

### ЛОЙИҲАЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ бўйича тендерларни ташкил қилади ва ўтказади

Тендер савдолари очиқ савдо бўлиб, унда мулкчилик шаклидан қатъий назар «Даварxитектқурилишқўм» нинг махсус рухсатномаси (лицензия)га шу йўналиш бўйича эга бўлган лойиҳа ишларини олиб борувчи барча лойиҳа институтлари ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.

**БУЮРТМАЧИ: АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ**

| № | ИНШООТ НОМИ ВА МАНЗИЛИ | Қуввати ўқув/ётоқ |
|---|---|---|
| 1 | *Қурилиш коллежи — Андижон қурилиш техникуми базасида* | 900/190 |
| 2 | *Педагогика ва ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги коллеж — Андижон муаллимлар билим юрти базасида* | 600/400 |
| 3 | *Қишлоқ хўжалик коллежи — Андижон туманидаги 20-мактаб базасида* | 600- |
| 4 | *Педагогика коллежи — Асака муаллимлар билим юрти базасида* | 900/400 |
| 5 | *Қишлоқ хўжалик коллежи — Жалолқудуқ касб-ҳунар лицейи базасида* | 900/200 |
| 6 | *Педагогика коллежи — Избоскан бизнес мактаби базасида* | 900/120 |
| 7 | *Саноат, транспорт коллежи — Қўрғонтепа туманидаги 12-мактаб базасида* | 600- |
| 8 | *Қишлоқ хўжалик коллежи — Қорасув касб-ҳунар лицейи базасида* | 900/200 |
| 9 | *Қишлоқ хўжалик коллежи — Шаҳрихон агросервис коллежи базасида* | 900/600 |

*Юқоридаги объектларнинг тендер ҳужжатларини «Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш» Андижон вилоят бошқармасидан олишингиз мумкин.*

**Манзилгоҳ: Андижон шаҳар, А. Фитрат кўчаси, 214-уй («Андижонхўжаролойиҳа» институти биноси 1-қаватида) Телефон: 25-55-23. Факс: 3742-25-55-23.**

3132

